

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

Ш.О.Кувандиков

**МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА
ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ИФОДАЛОВЧИ
КЎРСАТКИЧЛАР**

САМАРҚАНД - 2015

Кувандиков Ш.О. Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлар. Услубий кўрсатма. Самарқанд, СамИСИ, 2015. – 57 бет.

Ушбу услубий курсатмада мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий–иқтисодий ислохотлар мазмун моҳияти ва уларни ифодаловчи курсаткичлар тизими баён килинган. Шунингдек Иқтисодий ўсиш турлари ва мезонларининг назарий ва методологик асослари, Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонлар, иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар урганилган.

Мазкур услубий қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилади. Шу билан бирга услубий қўлланмадан талабалар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар ва республикада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

М.М.Мухамедов – **СамИСИ** профессори, иқтисод фанлари доктори,

Р.А.Сейтмуратов – **СамДУ** профессори, иқтисод фанлари доктори

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кутубхонасида танишиш мумкин.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....4

1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР СОДИР БЎЛИБ, ОДАМЛАРНИНГ ЯШАШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИ ОШДИ.

- 1.1. Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш борасида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар.....7
- 1.2. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижаларнинг халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланаётгани.....17

2-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ОМИЛЛАРИ ВА АНИҚЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ.

- 2.1. Иқтисодий ўсиш турлари ва мезонларининг назарий ва методологик асослари.....22
- 2.2. Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонлар.....26
- 2.3. Иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар.....31

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ 20 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ИСТИҚБОЛИ.

3.1. Ўзбекистон иқтисодиётининг келажаги – тараққий этган демократик бозорга асосланган инновацион иқтисодиётдир.....	37
3.2. Мустақиллик берган имконият туфайли машинасозлик ва автомобиль саноати шаклланди ҳамда 20 йилдан кейин маҳаллийлаштириш эвазига янада ривожланади.....	43
3.3. Барча соҳаларда тежамкорлик режими жорий қилиниб, қишлоқ хўжалиги тўлиқ интенсив технологияларга асосланган ҳолда ривожланади.....	52

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....56.

МУҚАДДИМА

Мамлакатимиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак кадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Юртимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш ҳисобига қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб боришида яққол намоён бўлади. Бу эса мустақил тараққиёт

йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланганлигидан далолатдир.

Маълумки, юртимизда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябр ойида мамлакатимизга келган миссиясининг баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришгани ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётгани қайд этилди, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилди¹.

Ўтган 2014 йил ҳам мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларида янги ютуқ ва натижаларга жуда бой бўлди. Президентимиз И.А.Каримов 2015 йилнинг 17 январида мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўтган йил натижаларига атрофлича тўхталиб, жорий йил вазифаларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида жаҳонда эътироф этилган тараққиётнинг ўзбек модели ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида, дунё иқтисодиётида юз бераётган инқироз ҳолатларига

¹ Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 5-бет.

карамасдан, 2014 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминлангани қайд этилди.

Бу маърузанинг илмий-назарий аҳамияти аввало унда бугунги кунда жаҳон миқёсида кўзга ташланаётган иқтисодий ривожланиш тенденциялари, мавжуд муаммолар, глобал инқироз ҳолатини бартараф этиш бўйича амалда қўлланилаётган чора-тадбирлар чуқур таҳлил этиб берилганида кўринади. Айнан ана шундай ёндашув асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг самарадорлигини таъминлаётган омилларнинг мазмун моҳияти очиб берилади.

Президентимиз маърузасида 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси этиб **“2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”** деб белгилаб берилди.

Моҳияти ва аҳамиятига кўра ғоят кенг кўламли бўлган, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш борасидаги куч ва имкониятлар, механизмлар ҳақидаги билим ва маълумотларни талаба ёшлар онгига чуқур сингдириш орқали уларнинг юртимиздаги улкан ўзгаришлар ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни кенгайтириш, ана шу ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришда мазкур услубий кўрсатма муҳим аҳамият касб этади.

1-бoб. ИҚТИСОДИЁТДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР СОДИР БЎЛИБ, ОДАМЛАРНИНГ ЯШАШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИ ОШДИ

1.1. Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш борасида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида ўтган 23 йилдан ортиқ давр мобайнида катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу борада 450 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди, қабул қилинди ва ҳаётга жорий қилинди. Уларнинг барчаси иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда, диверсификациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга, амалга оширилаётган бозор ислохотларининг ортига қайтмаслигининг кафолати бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Биз ислохотларни инқилобий усулда, яъни “шок терапияси” йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлдик... Изчил юқори ўсиш суратлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш

йўлидаги дадил кадамларимиз дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда” (Концепцияда 4 бет).

Ўтган 22 йил мобайнида мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръати, бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича, қарийб 4,0 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 3 баробарга яқинроқни, аҳолининг реал даромадлари ҳам 4 баробарни, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари 5,5 баробарни ташкил этди.

Бундай ўсиш давом этмоқда. 2014 йил якунларини сарҳисоб қилганда ҳам бунга яеа амин бўлиш мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганлигимиз эвазига катта ютуқларга эришдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида давлатимиз Президенти Ислон Каримовнинг “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузасида “Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014-йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада пастдир”², деб таъкидлади.

Буларнинг ҳаммасига иқтисодий-ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Бундай ютуқларга эришишимизда пухта ўйланган “ўзбек модели”нинг ҳаётийлиги ҳам катта роль ўйнамоқда. Мустақиллик йилларида иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда эришган ютуқларимизга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, кўпмулкчиликка асосланган рақобатли иқтисодиётни шакллантириш масаласи қўйилди ва бунга унча кўп муддат ўтмасдан эришилди. Мулкдорлар синфи шакллантирилди, хусусий мулк эгалари пайдо бўлди. Мамлакатда бозор муносабатларини шакллантириш масаласи босқичма-босқич амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда.

Иккинчидан, юртимизда барқарор иқтисодий ривожланиш таъминланди. Биринчилардан бўлиб мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари ичида 1996 йилдан бошлаб ЯИМнинг ўсишига эришилди. 2001 йилда биринчилардан бўлиб МДХ давлатлари ичида мустақилликгача бўлган ишлаб чиқариш даражасига етдик.

² Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.- 1-3 бетлар.

Кейинги 10 йил давомида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажми ўртача 8,0 фоиздан кам бўлмаганлиги ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг барқарор равишда юқори суръатлар билан ривожланаётганлигидан далолат бериб турибди. Масалан, 2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози хуруж қилиб турган бир паллада катта-катта давлатлар иқтисодиёти рессесия ҳолатига тушиб қолган бир паллада ҳам мамлакатимиз иқтисоди ўсиш тенденциясига эга бўлди.

Учинчидан, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, тармоқ ва корхоналар бутунлай янгиланди, техник жиҳатдан қайта жиҳозланган, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган янги корхоналар ташкил қилинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси янги мазмун билан шакллантирилди ва уларни эркинлаштириш борасиди мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг асосий қисми сифатида эътироф этилди ва уни ривожлантириш устувор вазифи сифатида, унга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тўртинчидан, мамлакатнинг иқтисодий юксалиши билан ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаласи ҳамisha кўшиб олиб борилди. Энг аввало, аҳолининг турмуш даражасини ва яшаш сифатини ошириш масаласи кун тартибида турган биринчи масалалар қаторидан жой олди. Аҳолининг асосий қими мулкдор бўлиши билан бирга тадбиркорликдан орттирилган даромадлари умумий даромадлар ҳиссасида ошиб бормоқда. Президентимиз маърузасида келтирилганидек, “Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик

йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир”³.

Бешинчидан, мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсатини юритиш натижасида қулай инвестицион муҳит яратилди. Оқибатда кейинги 20 йил мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётига 122 миллиард АҚШ доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинди. Бунинг 28 миллиардан зиёдроғи хорижий сармоядорларнинг инвестицияларини ташкил этади. Биргина “2014-йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”⁴.

Олтинчидан, солиқ юки кескин камайтирилди. Фақатгина 2000-2014 йилларда даромад солиғи ставкаси 38 фоиздан 8 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ миқдори 5 фоизгача камайтирилди. Натижада умумий солиқ юки 40 фоиздан 20 фоизгача камайтирилди. Солиқ юкининг шунчалик қисқартирилишига қарамасдан қатор йиллардан буён давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда. 2014

³Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.- 1-3 бетлар.

⁴ Ўша жойда.

йилда ҳам ушбу кўрсаткичнинг миқдори ЯИМга нисбатан 0,2 %ни ташкил қилди.

Еттинчидан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар уларнинг мазмун моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. Совет давридан қолган, ўзини бутунлай оқламаган, хўжалик юритиш шакллари, яъни колхозлар ва савхозлар тўлиқ барҳам топиб, янги бутун дунёда жорий ва эътироф этилган, ўз мулки ва ерига эга бўлган хусусий фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Саккизинчидан, мамлакат иқтисодиётида нодавлат секторининг ҳиссаси ва мавқеи оширилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, жумладан саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чакана савдо айланмаси тўлиғича нодавлат секторига тўғри келмоқда. Мазкур соҳада иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифа сифатида белгилаб берди. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айна мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва уларнинг ҳимояси учун кўп иш қилинди. Мулкдорларга зарур шароит ва кафолатлар бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Тўққизинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига, уларнинг мамлакат иқтисодиётида солмоғининг муттасил ошиб боришига эришилди. Натижада уларнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2000 йилда 31,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007 йилдаги 45,5 фоизга етди. 2008 йилда ушбу кўрсаткич 48,2 фоизга кўтарилган бўлса, 2012 йилда 54,0 фоизга етди. 2014 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 56,0 %ни ташкил қилди. Бозоримизни зарур товарлар ва хизматлар билан таъминлашда ҳам мазкур соҳа асосий ўринга эга бўлиш билан бирга иш билан банд аҳолининг 76,5 фоизидан кўпроғини меҳнат билан банд қилмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўнинчидан, мамлакатимизда ягона транспорт тармоғини яратиш ва транспорт коммуникацияси тизимини ривожлантириш бўйича мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Буларга сўнгги йилларда барпо этилган, умумий узунлиги 633 километрни ташкил қиладиган Навоий-Нукус, 223 километрга тенг Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл магистралларини, Қамчиқ девони орқали ўтадиган тезкор автомобил йўллариининг қурилишларини мисол келтириш мумкин. 2015 йилда ҳаммуҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек: “Темир йўл коммуникацияларини ривожлантириш борасида ҳам муҳим вазифалар олдимизда

турибди. Йўловчи ва юкларни ишончли ҳамда узлуксиз ташишни таъминлаш мақсадида 2015-йилда 260 километр темир йўлларни қайта тиклаш кўзда тутилмоқда. Соҳада 13 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. 124,1 километрлик Ангрен – Поп электрлаштирилган янги темир йўлининг қурилиши, 140 километрлик Мароқанд-Қарши ва 325 километрлик Қарши-Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш, икки томонлама қатновга эга бўлган Жиззах-Янгийер электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилишининг иккинчи босқичини амалга ошириш каби лойиҳалар шулар жумласидандир”⁵.

Ўнбиринчидан, ислохотларнинг пировард мақсади бўлган аҳолининг реал даромадларининг оширилишига ва турмуш шароитининг яхшиланишига эришилди. Президентимиз таъкидлаганидек, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини муттасил ошириш билан боғлиқ масалалар доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бунинг учун таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш ҳам биз учун ҳамиша устувор вазифалардан бўлиб келган. 2015 йилда ҳам ушбу мақсадлар учун “давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60

⁵ Каримов И.А. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.- 1-3 бетлар.

фоизи йўналтирилади. Бу ўтган йилга нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоиз кўп демакдир. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимига 14,2 фоиз маблағ сарфланади”⁶.

Ўниккинчидан, мамлакатимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда 8 миллиондан ортиқ иш ўринлари яратилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади. Иш билан таъминлашда янги йўналиш бўлган оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларнинг қабул қилиниши ҳам иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга молик тадбирлардан бири бўлди. Бугунги босқичда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор етолмайди. Айни вақтда оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб етиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб етмоқда.

Ўнучинчидан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Аҳолига бепул шошилиш ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юқори талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар, замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 минг 200 тадан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари, бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар туғилишига хизмат

⁶ Ўша жойда.

қиладиган кенг тармоқли скрининг марказлари ташкил этилди.

Ўнгүртинчидан, аҳолининг умр кўриш даражаси сезиларли даражада ошди. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши муттасил ошиб бормоқда. Бу борада умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, ушбу кўрсаткич 73,5 ёшни, аёлларнинг ўртача умр кўриш даражаси эса 75,8 ёшни ташкил қилмоқда. Демак, ушбу рақамлар узок умр кўрувчиларнинг сони ва сифати ошиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Масалан, 80-100 ёшга кирган қарияларимизнинг ҳам сони ошиб бормоқда. Бунга сабаб, энг аввало, истиқлол даврида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати тобора ортиб бораётганидан, ёши улуг одамларимиз яхши ният, эртанги кунимизга катта умид билан яшаётганидан, уларнинг қалби софлигидан далолат беради. Яна бир муҳим жиҳат, бугунги кунда кексаларнинг таркибий тузилиши ҳам ижобий томонга ўзгарганлигини кўриш мумкин. Чунки мамлакатимизда 60 ёшдан ошган қариялар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади⁷. Уларнинг бутун мамлакат аҳолисидаги улуши 9,6 %га ($2,8 * 100 : 30,0$) тенг. Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан ошган ва 44 минг нафар 90 ёшдан ошган кексаларимиз умр кечирмоқдалар. Бугунги кунда 100 ёшдан ошган табарруқ қарияларимизнинг сони 8 минг 700 нафарни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, кекса ёшдаги кишилар мамлакатимизда анча кўп ва уларнинг сони ошиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, улар таркибида

⁷ Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир” номли маърузасидан – “Халқ сўзи” газетаси. 2014 йил 6 декабрь.

иккинчи жаҳон уруши қатнашган 3 минг 109 нафар кишилар, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлиги⁸ ҳам юртимизнинг катта бойлиги. Чунки уларнинг ҳаёти ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Ушбу кўрсаткичлар мамлакат аҳолисининг яшаш даражаси яхшиланаётганлигидан далолат беради.

1.2. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижаларнинг халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланаётгани

Президентимиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi билан боғлиқ халқаро майдондаги ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга баҳо берар экан, мазкур жараёнларнинг ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмагани ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2015 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини ташвишланарли ҳол сифатида таъкидлаб ўтди.

Барчамизга маълумки, мазкур жараёнларнинг таъсирини реал баҳолаган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари инқирознинг дастлабки палласидаёқ“...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқироzi мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун

⁸ Ўша жойда.

ҳалқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”⁹, дея ўзларининг қатъий фикрларини билдирган ҳамда инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган йўналишларини олдиндан кўрсатиб берган эди.

Президентимиз ўз маърузасида биринчи навбатда дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаслигини қайд этиб ўтди.

Шуниси эътиборлики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат, энг аввало иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳар томонлама пухта ўйланган ўз тараққиёт йўлимиз – ўзбек моделининг тўғри танлаб олингани ва унинг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келинаётгани инқироз шароитида иқтисодиётимиз учун ўзига хос “ҳавфсизлик ёстиғи” вазифасини бажарди. Айниқса, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлига юртимизда қатъий амал қилиб келинаётгани, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олгани, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги, оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилгани, аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш

⁹ Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги ва бошқа муҳим омиллар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини сезиларли даражада юмшатишда мустаҳкам замин бўлди.

Бу эсакейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 2014 йилда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида катта ютуқларга эришиш имконини берди.

Президентимиз ўз маърузасида охириги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Маълумки, Халқаро валюта жамғармаси Келишув моддаларининг IVмоддасига биноан жамғарма ҳар йилда бир марта аъзодавлатлар билан икки томонлама муҳокама ўтказди. Жамғарма ходимларидан иборат гуруҳ мамлакатга ташриф буюриб, иқтисодий ва молиявий маълумотлар йиғади ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришларни расмий шахслар билан муҳокама қилади. Ўз қароргоҳига қайтгач, ходимлар ХВЖ Ижроия кенгашидаги муҳокама учун асос бўлиб хизмат қиладиган баёнот тайёрлайдилар.

2011 йилнинг 2-15 ноябрида Халқаро Валюта Жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари


Вероника Бакалу хоним раҳбарлигидаги миссияси Тошкент шаҳрида бўлди. Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади: “Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир. Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди. Жорий 2015 йилда ҳам ЯИМ 8,1 фоиздан кам бўлмаслиги ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолиниши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,1 фоизни ташкил этди, 2000-2014 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 4 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда. Жумладан, 2014 йилда саноат ишлаб чиқариши 8,3 фоиз (саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз ва чакана савдо

айланмаси 14,3 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди (1-расм).

1-расм. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари (2014 й), фоизда¹⁰



Расмдан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунё миқёсида ялпи талаб, савдо ва инвестициялар ҳажмининг сезиларли даражада қисқариши юртимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Хусусан, инқироздан олдинги 2007 йилда чакана савдо айланмаси ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг қўшимча ўсиш суръатлари даражаси (тегишли равишда 21,0 ва 20,6 фоиз)нинг кейинги йилларда сезиларли пасайиши кузатилди. Бироқ, шуниси эътиборга лойиқки, шундай мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда.

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2015 йил 17 январ. -1-3 бетдаги маълумотлар асосида тузилди.

2-бoб. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ОМИЛЛАРИ ВА АНИҚЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Иқтисодий ўсиш турлари ва мезонларининг назарий ва методологик асослари

Жамиятнинг иқтисодий тараққиётини белгилашчи асосий мезон – бу иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Ҳозирги пайтда бундай кўрсаткич мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) билан белгиланади. Охирги пайтларда иқтисодий ўсишнинг турли шакллари ҳақида турли фикрлар айтилмоқда. Масалан ЯИМнинг пасайиши рўй берган мамлакатларда рецессия жараёни рўй бераётганлиги таъкидланса, айрим мамлакатлар иқтисодиётида беқарорлик рўй бераётганлиги айтилмоқда. Яна бошқа бир мамлакатда мунтазам ўсиш сақланиб қолинаётганлиги эътироф этилса, айримларида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётганлиги қайд қилинган.

Шунингдек, иқтисодий ўсиш мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиб боришини ҳам англатади. Миллий ишлаб чиқариш натижаларининг миқдор жиҳатидан кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши пировардида ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Иқтисодий ўсиш натижасида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот миқдори ортади, бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади. Иқтисодиёт мавжуд эҳтиёжларни янада тўлароқ қондириш имконига эга бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда унинг даражасини ҳам эътиборда тутиш лозим. Иқтисодий ўсиш суръатларининг аҳамиятлилик даражаси турли

мамлакатлар реал ЯИМнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Реал ЯИМ ҳажми нисбатан кичик бўлган мамлакатлар учун 8-10% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати меъёридаги ҳолат саналиши, реал ЯИМ ҳажми жуда катта бўлган мамлакатлар учун 2-3% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати эса аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланиши мумкин.

Ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсиш - ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни (ишлаб чиқариш омиллари) жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши туфайли эришилади.

Интенсив иқтисодий ўсиш - ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши билан эришилади.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб пухта ўйланган сиёсат олиб борилиши натижасида иқтисодиётимиз юқори суръатлар билан ривожланиш баробарида ташқи қарзларимиз камлигича сақланиб қолишга эришилди. Буни ўтган йил якунларида келтирилган рақамларда ҳам кўришимиз мумкин. Унга кўра, “ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз

олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир”¹¹, деб таъкидланди.

Иқтисодий ўсишнинг яна бир муҳим омили мамлакатимизда солиқ юки муттасил камайиб бораётганлиги билан изоҳланади. “2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди”¹². Буларнинг ҳаммаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ривожланиш йўлига тушиб олганлигидан, уни бошқаришда туғри иқтисодий сиёсат юритилаётганлигидан далолатдир.

Мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръати бир қанча йилдирки 8,0 %дан юқори ўсишни таъминлаб келмоқда. Бу албатта иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари эвазига амалга оширилади. Ушбу жараёнда туризм ва унинг асосий тармоқларидан бири бўлган меҳмонхона хўжаликлари фаолияти ҳам йўқ эмас. Ушбу ҳолатни охириги йиллардаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишида ҳам кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Жадвалда эришилган тараққиётнинг муҳим омили Президентимиз таъкидлаганидек, “мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожлангани”дир.

¹¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2014 йил 18 январь. – 1-3 бетларда келтирилган маълумотлар асосида тузилган..

¹² Ўша жойда. – 1-бет.

1-жадвал

**2013 ва 2014 йилларда макроиктисодий
кўрсаткичларнинг ўсиш суръати¹³, %**

Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	8,0	8,1
Саноат маҳсулоти	8,8	8,3
Қишлоқ хўжалиги	6,8	6,9
Савдо айланмаси	14,8	14,3
Машинасозлик ва МҚИ саноати	21,0	37,0
Қурилиш материаллари саноати	13,6	20,0
Енгил саноат	13,0	10,0
Озиқ-овқат саноати	9,0	8,7
Экспорт ҳажми	10,9	Кам эмас
Хизмат кўрсатиш	13,5	15,7
Барча инвестициялар	11,3	10,9
Уларда хусусий инвестициялар улуши	47,0	10,3
Инвестициянинг ЯИМга улуши	23,0	23,0
Янгидан яратилган иш ўринлари	970 минг	1,0 млн.га яқин
Аҳоли жон бошига реал даромад	16,0	10,2
Иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар	20,8	23,2
Пенсиянинг ўртача иш ҳақига нисбати, %	37,5	41,0
Солиқ юки умумий:	20,5	20,0
юрдик шахслар учун	9,0	8,0
жисмоний шахслар учун	8,0	7,5
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	12,0	10,0
Намунавий уй-жойларни қуриш	10 минг	11 минг

¹³ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2014 йил 18 январь. – 1-3 бетларда келтирилган маълумотлар асосида тузилган.

Шунинг учун модернизация ва диверсификация бугунги кундаги мувоффақиятларимизнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқди. Зеро, иқтисодиёт тармоқларини янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш эвазига модернизация қилиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларни кенгайтириш билан уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг устувор вазифалари сирасига киритилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг ижтимоийлашганлигидир. Бу ҳолат давлат бюджетининг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги билан ифодаланади. Буни 2013 йилда Давлат бюджетининг 59,3 % ижтимоий соҳага йўналтирилганлигида кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда янада ўсади. Унинг қарийб 60 % мазкур соҳага йўналтирилади.

Булардан ташқари иқтисодиётнинг ҳарбийлашган, индустриал, аграр каби шакллари ҳам мавжуд. Агар давлат бюджетининг асосий қисми ҳарбий мақсадлар учун сарфланса, бундай иқтисодиётни ҳарбийлашган ва мос равишда қайси йўналишга кўпроқ маблағ сарф қилинса, шундай иқтисодиёт, деб аталиши мумкин.

2.2. Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонлар

Мамлакатимиз иқтисодиётига келадиган бўлсак, олдин барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётганлиги хусусида гап кетган бўлса, ҳозирги пайтда юқори суръатлар билан ўсиш кузатилаётганлиги қайд қилинмоқда. Бундай қарашларни жамлаб бир нарсага амин бўлдикки, иқтисодий ўсишнинг

мезонларини белгилаб чиқиш керак экан. Аммо иқтисодий ўсишнинг алоҳида турлари бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Буларни инобатга олиб, ушбу ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш натижасида, иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг номлари ва даражасини (мезонларини) ишлаб чиқдик. Бу қуйидаги жадвалда таркиб топган (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонлари¹⁴

Иқтисодий ўсишнинг турлари	Даражаси
Рецессия (пасайиш)	Ўтган йилга нисбатан паст бўлса
Беқарор	Бир ошиб, бир камайиб ўсганда
Мунтазам	100,1 дан 105,0 %гача ўсиш таъминланса
Барқарор	105,1 – 108,0 % ўсиш таъминланса
Юқори суръатда	108,1 – 110,0 % ўсиш таъминланса
Жадал суръатда	110,1 % дан ортиқ ўсишга эришилса

Ўзбекистон иқтисодиётида қатор йиллар давомида (1996-2003 йиллар) мунтазам ўсишга (5,0 %гача) эришилди. 2004-2006 йилларда барқарор суръатлар билан (8,0 %гача) ўсди. 2007-2013 йиллар давомида юқори суръатлар билан ўсиш (8,0 % кўп) таъминланди. Келажакда ҳам барча имкониятларни ишга солган ҳолда мамлакат иқтисодиётини юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаб туриш лозимдир.

¹⁴ Муаллифлар томонида ишлаб чиқилди ва тузилди.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\dot{Y}_C = \frac{YIM_{\text{жорийдавр}} - YIM_{\text{базисдавр}}}{YIM_{\text{базисдавр}}} \times 100\%,$$

бу ерда:

$\dot{Y}_C$ – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;

$YIM_{\text{базис давр}}$ – таққосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми;

$YIM_{\text{жорий давр}}$ – жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таҳлил қиладиган бўлсак, 1995 йилга қадар рецессия жараёни юз бериб келди. 1996 йилдан бошлаб ўнгланиш содир бўлди, яъни аста-секинлик билан ривожланиш рўй берди. Буни биз тавсия қилган мезонлар бўйича қуйидагича баҳолаш мумкин бўлади (2-жадвал).

Кўрниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида мустақиллик йилларида иқтисодий ўсишнинг тўртта шаклини бошидан кечирибди. Жумладан, 1996 йилгача иқтисодиётимизда **рецессия** жараёни содир бўлган. 1996-2003 йиллар давомида **мунтазам** ўсишга эришилган. 2004-2006 йиллада иқтисодиётимизда **барқарор** ўсиш рўй берган. 2007 йилдан бошлаб ҳозиргача **юқори суръатлар** билан ривожланиб келмоқдамиз.

Ушбу иқтисодий ўсишнинг турларини белгилашда методологик асос қилиб давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг асарлари олинди. Жумладан, мунтазам ривожланиш мезони ҳам мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган мезонлардан келиб чиқилган.

2-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМнинг 1995-2014 йилларда ўсиш суръати (%)¹⁵

Йиллар	Мамлакат ЯИМнинг ўзгариш суръатлари, %	Ўтган йилга нисбатан фарқи (+,-)	Йиллар бўйича иқтисодий ўсишнинг турлари
1995	-0,9	-	Рецессия
1996	1,7	+2,6	Мунтазам ўсишга эришилган
1997	5,2	+3,5	
1998	4,3	-0,9	
1999	4,3	0	
2000	3,8	-0,5	
2001	4,2	+0,4	
2002	4,0	-0,2	
2003	4,2	+0,2	
2004	7,4	+3,2	Барқарор ўсиш бўй-берган
2005	7,0	-0,4	
2006	7,3	+0,3	
2007	9,5	+2,2	Иқтисодийтимиз юқори суръатлар билан ривожланмокда.
2008	9,0	-0,5	
2009	8,1	-0,9	
2010	8,5	+0,4	
2011	8,3	-0,2	
2012	8,2	-0,1	
2013	8,0	-0,2	
2014	8,1	+0,1	

¹⁵ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 1965-2010 гг. Т.: Госстандарт. Соответствующие годы. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг йилнинг якунлари ва келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифаларни белгилаб берадиган ҳар йилги анъанавий маърузасида келтирилган маълумотлардан олинди.

Масалан, 2003 йилнинг натижалари ва 2014 йилда амалга ошириладиган устувор вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги маърузасида: “Кейинги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили **мунтазам** (таъкид бизники – М.П., О.П.) равишда 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда”¹⁶, деб таъкидлади. Демак 5,0 %гача ўсиш суръатини мунтазам ўсиш, деб аташ лозим деган хулосага келдик.

Барқарор ривожланишнинг методологик асосини ҳам Муҳтарам Президентимизнинг маърузаларида кўришимиз мумкин. Жумладан “2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7,3 фойизга ўсди”¹⁷. Бундай макроиктисодий кўрсаткичлар “...жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантикий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва **барқарор ривожлантиришнинг** (таъкид бизники – М.П., О.П.) амалий намоёни бўлди”¹⁸. Кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиёти 7,3 % ўсган пайтни давлатимиз раҳбари барқарор ривожланиш, деб атамоқда. Ушбу кўрсаткич 8,0 %дан ошганда эса, юқори ўсиш, деб таъкидламоқда. Масалан, “2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг **иктисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришган, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар** (таъкид бизники – М.П., О.П.) билан

¹⁶ Каримов И.А. Тинчлик ва ҳафсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қаъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 185-бет.

¹⁷ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир./ Ислон Абдуғаниевич Каримов – Т. 15. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 155-бет.

¹⁸ Ўша жойда. – 155-бет. (Мазкур ҳаволада келтирилган таъкид бизники – М.П ва О.П.).

ривжланганини қайд этамиз”¹⁹, деб таъкидлади.

Президентимизнинг ушбу таъкиди биринчидан, иқтисодиётимизнинг 8,0 %га ошганлиги, унинг **“юқори суръатлар”** билан ривожланганлигини кўрсатса, иккинчидан, унинг **модернизация ва диверсификация ҳисобидан** амалга оширилганлигини эътироф этмоқда. Бу ерда ўсиш ва унинг омили ҳақида гап кетмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ривожланиши айнан жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi авж олиб турган пайтларда ҳам сақланиб қолди. Бунинг асосий омили, мамлакатимиз раҳбарининг мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ инсоният тарихида “Ўзбек модели” деган ривожланиш стратегиясини тўғри белгилаб олинганлиги бўлган бўлса, кейинчалик шу асосда мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда унга инновацияларни жорий қилиш бўлди.

2.3. Иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар

Буни мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 22 майда “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига мурожаатида қуйидагиларни таъкидлайди: **“...иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион**

¹⁹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2014 йил 18 январь. – 1-3 бетлар.

технологияларни жорий этиш ривожланишнинг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак мувоффақиятларга эришади”²⁰, деган гапларидан ҳам англаб олиш мумкин. Биз молиявий-иқтисодий инқироз шароитида айнан шу тамойилларга амал қилганлигимиз учун мамлакат ЯИМнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Кўриниб турибдики, иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда унга инновацияларни жорий қилишдан иборат экан. Аммо ушбу тушунчалар нечоғлиқ муҳим бўлмасин, уларнинг айрим назарий ва амалий масалалари ҳамон иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Шу туфайли ушбу тушунчаларнинг назарий масалаларига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Иқтисодий адабиётларда иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи қуйидаги омиллар келтирилади:

- 1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- 2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;
- 3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми;
- 4) технология ва фан-техника тараққиёти²¹.

Бу омиллар иқтисодиётнинг ўсиш лаёқатини белгилаб беради ва ҳар бирининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш орқали иқтисодий ўсишни тавсифлаш мумкин.

Мамлакат иқтисодиётидаги муҳим ижобий ўзгаришлардан бири, унинг таркибий ўзгаришлардаги

²⁰ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг асосий мақсадимиз.- Т.17. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 231-бет.
(Мазкур ҳаволада келтирилган таъкид бизники – М.П ва О.П)

²¹ Шодмонов Ш.Ш. Гафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси» Тошкент «Фан ва технология» 2005.

ҳолатида кўринмоқда. Бундан атиги 23 йил муқаддам аграр иқтисодиёт устувор бўлган иқтисодиётимиз, бугунги кунда индустриал иқтисодиётга айланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Яна бир жиҳат – мамлакат иқтисодиёти жаҳон андозалари даражаси томон интилиб бормоқда. Унинг таркибида хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларининг жадал суръатлар билан ўсиши, мамлакат ЯИМдаги улушининг ошиб бориши кузатилмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Мамлакат иқтисодиётида (ЯИМда) охириги ўн тўрт йил мобайнида тармоқ ва соҳаларнинг улушидаги ўзгаришлар²², %

Кўрсаткичлар	2000 й.	2013 й.
Саноат	14,2	24,3
Қишлоқ хўжалиги	30,1	16,8
Хизмат кўрсатиш	37,0	53,0
Кичик бизнес ва ХТ	31,0	55,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакат ЯИМда саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб 24,3 %ни ташкил қилди. Мос равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улушида кескин камайиш рўй берди. 2000 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 30,1 %ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб

²² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2014 йил 18 январь. – 1-3 бетларда келтирилган маълумотлар асосида тузилган.

16,8 %га тенг бўлиб қолди. Ушбу ҳолат кўрсатадики, мамлакатимиз иқтисодиётида индустриянинг улуши кўпайиб бормоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кескин ўзгариш рўй берган. Унинг миқдори 2000 йилда 37,0 %ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб 53,0 %га етди. Шундай ҳолат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам рўй берди. 2000 йилда ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 31,0 %ни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткичнинг миқдори 55,8 %ни ташкил қилди. Ушбу ҳолат кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар ижобий томонга қараб бормоқда. Булар том маънода ривожланган демократик мамлакатлар қаторидан тезроқ жой олишимиз учун моддий, ташкилий ва ҳуқуқий заминдир.

Мамлакат иқтисодиётининг мустақиллик йилларида эришган яна бир характерли хусусияти шундаки, унинг умумий экспорти яқиндагина фақат хомашёдангина иборат бўлган. Бугунги кунга келиб, уларнинг улуши ҳам кескин ўзгарди. Жумладан 2013 йилда тайёр маҳсулотнинг мамлакат экспортидаги улуши 72,0 %ни ташкил қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки қишлоқ хўжалик соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши камайиб бормоқда. Аммо бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг камайганлиги учун эмас, балки бошқа соҳаларда ишлаб чиқаришнинг кескин ошиб бораётганлигидан далолатдир. Бундай тенденция келажакда ҳам сақланиб қолади. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 2013 йилги натижаларни олайлик. Ушбу соҳада яратилаётган маҳсулотлар умуман камайган эмас (4-жадвал).

Ушбу маълумотлар кўрсатиб турибдики, мамлакатимиз қишлоқ аҳлининг фидокорона меҳнати билан ғалла ва бошқа

энг муҳим ҳаётий зарур бўлган маҳсулотлар бўйича тўлиқ иқтисодий мустақилликка эришдик. Чунки, кечагина жуда кўп озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келган бўлсак, бугунги кунда ўз эҳтиёжларимизни тўлиқ қондирган ҳолда ўзимиздан ортиқча қисмини ташқарига экспорт қилиш имкониятини яратдик. Бу жуда қисқа пайтда эришилган жуда катта ютуқларимиздан далолат беради.

4-жадвал

2013 йилда қишлоқ хўжалигида етиштирилган хомашё ва маҳсулотларнинг умумий миқдори²³

Хомашё турлари	Миқдори
Ғалла	7 млн. 800 минг тонна
Пахта	3 млн. 360 минг тонна
Сабзовот	8 млн. 400 минг тонна

Мазкур рисолага Муҳтарм Президентимизнинг ушбу гапи билан якун ясаймиз. “Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз — бошлаган ислоҳотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир”²⁴. Зеро мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки инсонлар учун, уларнинг бахт-саодати, фаровонлигини, ҳаёт сифатини таъминлашга қаратилганлиги билан муҳимдир.

²³ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2014 йил 18 январь. – 1-3 бетларда келтирилган маълумотлар асосида тузилган.

²⁴ Ўша жойда. – 3-бет.

Биз меҳмонхона хўжаликларида иқтисодий ўсишни таҳлил қилиш учун унинг методологик асосини келтирдик. Чунки меҳмонхона хўжаликларида ҳам худди шундай ўсиш суръатларига эришилса қай даражада эканлигимизни билиб олишимиз мумкин.

Мавзунини такрорлаш ва мустақил таълим учун саволлар

1. Иқтисодий ўсиш турлари.
2. Иқтисодий ўсиш мезонлари, унинг назарий ва методологик асослари.
3. Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари.
4. Иқтисодий ўсишнинг даражасини белгиловчи мезонлар.
5. Иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар.
6. Модернизациялаш.
7. Диверсификациялаш.
8. Инновацион омиллар.
9. Инвестициялар.

Калитли сўзлар

иқтисодий ўсиш, иқтисодий ўсиш турлари, иқтисодий ўсиш мезонлари, иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлар, иқтисодий ўсиш даражаси, иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий омиллар, модернизация, диверсификация, инновация, инвестиция.

3-боб. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ 20 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ИСТИҚБОЛИ

3.1. Ўзбекистон иқтисодиётининг келажаги – таракқий этган демократик бозорга асосланган инновацион иқтисодиётдир

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, таракқий этган демократик бозорга асосланган, юқори техника ва технологиялар жорий қилинган, модернизациялашган инновацион иқтисодиётни шакллантириш борасида қилинадиган ишлар мустқилликнинг дастлабки йилларидан бошланган эди. Бугунги илмий амалий таҳлиллар кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз иқтисодиёти яна 20 йиллардан кейин бутун ривожланган инновацион иқтисодиёт даражасига кўтарилади. Ялпи ички маҳсулот ҳозирги даражада, яъни 8,0 %дан кам бўлмаган ҳолатда ўсиб борса, бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича, унинг аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган ўртача миқдори, мураккаб фойиз усулини қўллаганда 2020-йилда, яъни 8 йилдан кейин унинг миқдори 2,8 минг АҚШ долларини ташкил қилади ёки асос йилига (2012 йилга) нисбатан 1,9 мартага кўпаяди. Ушбу кўрсаткич 2032 йилда 7,0 минг АҚШ долларини ташкил қилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Мазкур кўрсаткичнинг ҳажми 2012 йилга нисбатан 4,7 мартага кўпайиши кутилмоқда.

Хуллас, яна 20 йилдан кейин, яъни 2033 йилларга бориб, мантиқий ҳамда математик таҳлилларни амалга оширган ҳолда қилган хулосаларимиз бўйича тасаввур қиладиган бўлсак, шу даврда иқтисодиётимизнинг модернизация ва

инновациялар ҳисобига кескин ўсиши рўй беради. Иқтисодиётимизда нафақат шакл, балки мазмун жиҳатидан ҳам туб ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Шу туфайли иқтисодиётимизнинг ҳозирги ўсиш ва ривожланиш тенденцияларга таянган ҳолда, унинг истикболи бўйича бир қанча ҳулосаларга келдик.

Яна 20 йилдан кейин мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши асосан инновацион омиллар эвазига амалга оширилади ва иқтисодиётимиз инновацион иқтисодиётга айланади. Бунга ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг ўсиши асосан инновациялар эвазига амалга оширилаётганлигини асос қилиб кўрсатиш мумкин. Мамлакатимиз ҳам жаҳон иқтисодиёти билан маълум даражада интеграциялашган ва бу жараён янада чуқурлашиб бормоқда. Ҳозирги шароитда бирорта мамлакатнинг иқтисодиёти айри ҳолда ривожланмайди, балки дунё иқтисодиёти билан ҳамоҳанг равишда интеграцияланган ҳолда ривожланиб боради. Чунки, янги техника ва технологиялар бир мамлакатда яратилса ва шу мамлакатда ишлаб чиқаришига жорий қилинса, бошқа мамлакатлар ҳам қараб турмайди. Уларнинг технологияларини сотиб олади. Акс ҳолда жуда орқада қолиб кетиши мумкин. Шу туфайли бундай инновациялар қаерда яратилишидан қатъи назар, ҳозирги кунда бутун дунё иқтисодиётига жорий қилиниши табиий. Чунки, дунё миқёсида инновациялар бозори ташкил қилинган ва унинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бундай шароитда иқтисодиётнинг ўсиши асосан инновацион омиллар эвазига ривожланиб боради ва пировардида инновацион иқтисодиёт ташкил қилинади.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётимизнинг ривожланиши асосан экстенсив ва интенсив омиллар эвазига амалга

оширилмоқда. Келгусида ушбу омиллар билан бирга инновацион омиллар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Чунки, инновация фан ва техника тараққиётига таянади. Бунинг учун ўзимизда ҳам мустаҳкам замин тайёрланди ва тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда инновацион ғояларни хориждан олиб келиб ўзлаштираётган бўлсак, келгусида ушбу ҳолат ўзимизда яратилган инновациялар эвазига амалга оширилади.

Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ташкил қилишда инновацион ва нанотехнологиялар, биотехнология, ахборот-коммуникация тизими, муқобил энергия каби инновациялардан фойдаланиш лозимлиги таъкидланган.

Ҳозирги кунда мазкур жараённинг ҳуқуқий асосларини яратиш пайти келди, деб ўйлаймиз. Бежиз Президентимиз “Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш лозимлигини таъкидлаган эмас. Бундай ҳуқуқий асос мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион иқтисодиётга айланишига кенгйўл очиб беради. Айниқса, ушбу қонун билан интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритиш, уларни тижоратлиштириш имконини яратиш мумкин. Мазкур мулк ўзининг реал қийматига эга бўлгач, у ҳимоя қилинади, улардан самарали фойдаланиш учун объектив зарурат пайдо бўлади. Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизда интеллектуал мулк бозори шаклланади, уларни сақлаш ва муҳофаза қилиш механизмлари ишлаб чиқилади.

Инновацион иқтисодиётни баҳолаш учун инновациялар эвазига қанча фойиз маҳсулот (иш, хизмат)

яратилаётганлигини ҳисоблаш лозим бўлади. Бунда, бизнинг фикримизча, инновациялар эвазига яратиган маҳсулот (иш, хизмат)нинг улуши умумий маҳсулот таркибида 25 фоиздан кам бўлмаслиги керак, деган хулосага келдик. Зеро, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришда интенсив ва экстенсив омиллар ҳам иштирок этиши табиий. Инновацион иқтисодиётни макро- ва микро- даражада ҳам баҳолаш мумкин. Бунга эришиш учун макро даражада ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни олиш мумкин. Микро- даражада эса, бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажми билан ўлчанади.

Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатишича яна 20 йилдан кейин мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт шаклланади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимизга юқори технологиялар асосан хориждан муттасил кириб келмоқда. Бизнинг фикримизча, яна 20 йилдан кейин иқтисодиётимизга қўлланиладиган юқори технологиялар асосан ўзимизда ишлаб чиқарилади. Чунки, ушбу натижага эришиш учун бугунги кунда ҳам катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “мамлакатимизда ташкил этилган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” эркин индустриал зонасида юксак технологиялар асосида самарали фаолият кўрсатаётган бизнес субъектлари тажрибасини мисол тариқасида келтириш мумкин”²⁵. Ҳозирги кунда мамлакатимизда юқори технологияларда ишлаш кўникмасига эга бўлган мутахассислар шаклланди. Ҳозирги пайтда ҳар йили ташкил қилинаётган инновацион ярмаркалар эса олимларимиз, иқтирочи-конструкторларимиз

²⁵ Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни катъият билан давом эттириш йўлида. Т. 21 – Т.: “Ўзбекистон” – 20-21 бетлар.

ва мутахассисларимиз томонидан яратилаётган инновацион ғояларни амалиётга жорий қилиш имкониятини бермоқда.

Бунга яна бир мисолни келтириш мумкинки, ҳар икки йилда инновацион ғояларни рағбатлантириш бўйича Давлат грантлари эълон қилиниб, олимларимиз ишланмаларининг амалиётга жорий қилиниши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга бўлган эътибор ҳам ёшларимизни дунё тамаддунидан фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлишлиги учун ҳам катта имкониятлардан биридир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда юқори технологияларга асосланган иқтисодиётни шакллантириш учун асосий омиллардир.

Иқтисодиётимиз тўлиқ эркинлашади, бозор муносабатлари янада чуқурлашиб демократик бозорга асосланган, модернизация қилинган рақобатбардош иқтисодиёт шаклланади. Ҳозирнинг ўзида ушбу масала бўйича катта мувоффақият ва натижаларга эришилди. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек: “20 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди, бугун эса мавжуд барча хўжалик субъектларнинг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжаликмаҳсулотларининг 98 фоизи айти шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда”²⁶. Бу ютуқлар ўтган 20 йилдан ортиқ тарих учун жуда қисқа даврда содир бўлган. Энди мамлакат иқтисодиётини яна 20 йилдан кейин иқтисодиётнинг эркинлашуви борасидаги ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. Бизнинг фикримизча иқтисодиётимиз тўлиқ эркинлашади, бозор муносабатлари янада чуқурлашиб

²⁶ Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т. 21 – Т.: “Ўзбекистон” – 17-18 бетлар.

бораверади, демократик бозорга асосланган, модернизация қилинган рақобатбардош иқтисодиёт тўлиқ шаклланади.

Аммо шуни эътироф этиш ҳам жоизки, ҳозирги кунда иқтисодиётнинг ривожланишида айрим тўсиқлар ҳамон бартараф қилинган эмас. Натижада иқтисодиётга маъмурий омилларнинг ҳам аралшуви давом этмоқда. Буларни бартараф қилиш учун давлатимиз томонидан жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2012 йилда қабул қилинган фармон ва қарорларга эътиборни қаратадиган бўлсак, бу борада бир қанча ишлар қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Булар жумласига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлда имзо чеккан “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2012 йил 8 августда имзоланган “Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қарори, 2012 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабиладан киритиш мумкин.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиёти яна 20 йилдан кейин ҳақиқий демократик бозорга асосланган иқтисодиёт шаклланади. Унда маъмурий омиллар деярли ўз таъсирини йўқотган бўлади. Иқтисодиётимиз бозор тамойилларига тўлиқ асосланган,

конунлар асосида ривожланиб борадиган, бошқариладиган демократик иқтисодиётга айланади. Давлат иқтисодиётни макро даражада бошқаришда иштирок этади, холос. Микро даражада асосий тартибга солувчи ва текширувчи дастак солиқ механизми орқали амалга оширилади. Солиқ хусусий секторни давлат билан боғлаб турувчи кўприк вазифасини бажарадиган механизмга айланади.

3.2. Мустақиллик берган имконият туфайли машинасозлик ва автомобиль саноати шаклланди ҳамда 20 йилдан кейин маҳаллийлаштириш эвазига янада ривожланади.

Жорий йилнинг 1 июлида Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига имзо чекди. Унда: “тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда “Ким эдигу, ким бўлдик” деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаш” ва ютуқларимизни теран акс эттириш зарур, деб кўрсатма берган эди. Агар бугунги кунимизни кечаги кунимиз билан қиёслайдиган бўлсак, барча соҳаларда улкан мувоффақиятларни қўлга киритганимига амин бўламиз.

Биргина автосаноат соҳасида эришган ютуқларимизни мисол қилиб оладиган бўлсак ҳам, ҳайратланарли ютуқларни қўлга киритганлигимизнинг гувоҳи бўламиз. Бу борада ҳам мустақиллик бизга жуда катта имкониятлар эшигини очди. Зеро, инсоният пайдо бўлибдики, у доим ҳаракатда. Ҳаракатланиш воситаси сифатида қандайдир уловлардан

фойдаланиб келинган. Узоқ йиллар карвонлар, от-уловлар асоий транспорт воситасини бажариб келган. Мамлакатимизда кечагача асоий ҳаракат воситаси от-улов бўлиб хизмат қилганлигини ҳозирги кекса авлод жуда яхши эслайди. Бундан бошқа бўлишнинг имкони ҳам йўқ эдида.

Узоққа бормасдан, ўз ҳаётимда кўрганларимдан, бошимдан ўтган воқеалардан мисол келтираман. Тоталитар замонда ўзим Самарқанд кооператив (ҳозирги иқтисодиёт ва сервис) институтида касаба уюшмасининг райиси этиб сайландим. Ушбу ловозимга сайлангач биринчи галда қилган ишларим жамоанинг автомобилларга ва уй-жойларга берилган аризаси асосида мавжуд рўйхатни ўша вақтнинг меъёрий ҳужжатлари асосида тартибга солиб чиққанман. Ҳамон эсимда институтда 130 нафар киши автомобилга ва 200 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар ва ходимлар уй-жойга навбатда турган эди. Ўша пайтларда институтга шаҳар исполкомининг қарори билан ҳар йили 4 тадан 6 тагача автомобиль (Москвич ёки Жигули) берилар эди. Тасаввур қилинг 130 нафар кишининг талабини қондириш учун неча йил керак бўлади. Агар ҳар йили 6 тадан автомобил ажратилганда ҳам 21,6 йил керак бўлар экан. Демак, ҳар бир киши қарийб 20 йилдан ортиқ муддат давомида навбатда туриши керак бўларди. Кўплари аризси бўйича навбати келмасдан, машина олиш орзуси ушалмадан пенсияга чиқиб кетарди.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданок мухтарам Президентимиз ушбу муаммони ҳал қилишга киришди. Бевосита у кишининг ташаббуст ва фармони балан 1994 йил 17 мартда “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ташкил қилинди. Соҳа эгалик бўлди. Масъул шахслар тайинланди ва улар жамоаси шаклланди. Шу тариқа автомобил саноатини

ривожлантириш заруратидан келиб чиқиб, уни ташкил қилиш имконияти туғилди. Хуллас, 1996 йил 19 июлда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида “Ўз ДЭУ-авто” заводи ишга туширилди. 2008 йилдан бошлаб у жаҳон автомобиль саноатида етакчи ҳисобланган “General Motors” компанияси билан ҳамкорликда “GM Uzbekistan” қўшма корхонасига айлантирилди. Ҳозирги пайтда ушбу заводдан машҳур “Shevrolet” бренди остита автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда ва уларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мавжудлигини таъминлаш, йўлларимизнинг шинам ва гўзал автомобиллар билан тўлиб юриш имкониятини туғдирди.

Кечагина автомобил соҳасига оид бирота заводи бўлмаган Ўзбекистонда ҳозиргми кунда учта гигант автомобил заводига эга бўлдик. Юқорида таъкидлаганимиздек, енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган “GM Uzbekistan” қўшма корхонаси, автобуслар ва махсус юк автомобиллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “СамаАто” заводи ва оғир юк ташийдиган автомобилларни ишлаб чиқараётган “MAN” каби заводлар ишлаб турибди.

Кечагина дунёда автомобиль соҳаси бўйича ҳеч қандай ўринга эга бўлмаган Ўзбекистон бугун 52 та мамлакатнинг бири бўлиб туришининг ўзи ҳам мамлакатимизда автомобиль индустриясининг нечоғлиқ ривожланганлигидан далолатдир. Ушбу соҳага қўл урганимизда дунёда 28 та давлатдан биттаси бўлган эдик.

Ўша пайтларда соҳага оид ҳеч қандай ташкилотга аъзо эмас эдик. 1998 йилдан “Халқаро автомобиллар ишлаб чиқарувчилар ташкилоти” – ОИСАга аъзо бўлдик. Шу йилларда автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар сони 33 та эди. Ҳозир жаҳоннинг 52 та давлатида автомобиллар

ишлаб чиқарил-моқда. ОИСАнинг маълумотлари бўйича ҳозирги кунда ушбу мамлакатларда бир йилда 70 млн.дан зиёд 375 та русмда автомобиль ишлаб чиқарилади.

Олдин бирорта русмда автомобил ишлаб қиларилмаган Ўзбекистонда эндиликда фақат енгил автомобилларнинг “Тико”, “Дамас”, “Нексия”, “Матиз”, “Ласетти”, “Такума”, “Эпика”, “Каптива”, “Малибу”, “Спарк”, “Коболт”, “Арландо” каби ўнлаб русмдаги атомобиллар ишлаб чиқарилди ва уларни ишлаб чиқариш давом этмоқда. Ҳар йили биргина Самарқанд вилоятига ўрта ҳисобда 2500-3000 донагача автомобиль сотилмоқда.

Ҳозирги кунда автомобиллар ҳаётий эҳтиёжга айланди. Ушбу кўрсаткич ҳам аҳоли фаровонлигининг ўсиб, ҳаёт даражасининг сифати ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Кечагина мамлакатимиз аҳолисига зарур бўлган автомобилларни республикамиздан четдан, хориждан олар эдик. Ҳозир автомобилларимиз билан ўзимизнинг бозоримиз тўлди ва уларни Россия, Украина, Қозоғистон, Арманистон, Грузия, Малдова каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бирорта товарни хорижга экспорт қилиниши унчалик асон иш эмас. Чунки, кундан-кунга товарларнинг сифати яхшиланиб бормоқда. Бу бевосита автомобилларига ҳам хосдир. Зеро дунёда жуда тезлик билан автомобиль русмлари ва турли моделлари ишлаб чиқилиб, улар узлуксиз такомиллашиб, сифати кундан-кунга ошиб бормоқда. Ушбу жараёндан ўзбек автомобиллари ҳам орқада қолаётгани йўқ. Ҳозир бизнинг атомобилларимиз “Евро-2” халқаро экологик стандартларга тўлиқ жавоб бормоқда. Шу туфайли уларнинг иштиёқмандлари хорижда ҳам кўпаймоқда.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси берган маълумотлар бўйича дунёда 375 та русмда автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Шулардан “Йилнинг энг яхши автомобили” номинацияси бўйича Россияликлар ўртасида социологик сўровлар ўтказилган. Бунга 1 миллион 700 минг киши иштирок этган. Ушбу ўтказилган социологик сўровлар натижасида бизнинг “Спарк” русмли автомобилimiz юқоридаги “Йилнинг энг яхши автомобили”, деган баҳога сазовар бўлган. Ушу ҳолат ҳам кўрсатиб турибдики, кечагина автомобил ишлаб чиқариш нималигини билмаган давлатнинг мутахассислари бугун жаҳон стандартларига жавоб берадиган, истеъмолчилар талабига мос келадиган автомобилларни ишлаб чиқармоқда. Бу шундан далолатки, мамлакатimiz шу қасқа даврда биргина автомобиль индустриясини ривожлантириш борасида нечоғлиқ мувоффақиятга эришди.

Ҳали ёдимда, мустақилликнинг дастлабки йилларида айрим сиёсатчилар Ўзбекистоннинг тараққий этиб кетишига шубҳа билан қараган ҳолда: “Ўзбекистон мустақил бўлгани билан ҳали бери ўзининг тарққиёт йўлини таъминлай олмайди. Биринчидан, бир асрдан зиёд ўзининг бошқарув тизимига эга бўлмаган ва иккинчидан, датацияда бўлган республика. У ўз аҳолисини мустақил боқа олмайди. Демак бу давлатнинг келажаги йўқ ва бу ҳолат ушбу давлатни қоқоқликка маҳкум этиши тайин”, деган мазмунда гап тарқатган эди. Ҳақиқатда ўша кезларда мамлакатimizнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўта мураккаб эди. Шунга қарамасдан қисқа фурсатда мамлакатimiz қад ростлай бошлади.

Юртбошимиз тўғри йўлни танлаб, инсоният тарихига “Ўзбек модели”, деган янги ўзига хос модаелни киритди ва

унинг нечоғлиқ ҳаётийлиги шу қисқа даврда ўзини исботлади. Бугунги кунда юртимиз том маънода бунёдкорлар мамлакатига айланди. Буюк соҳибқирон бобоколонимиз Амир Темур айтганидек, “Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ”. Энди бизга, бизнинг тараққиётимизга шубҳа қиладиганлар қолмади. Бутун дунё Ўзбекистонни таниди, тан берди ва тан олди. Буларнинг бари юртимизда тинчлик-осойишталик, кўпмиллатли юртимизнинг ҳамжиҳатлиги, эртанги кунимизга бўлган юксак ишонч намунасидир.

Муҳтарам Президентимиз ҳамиша бир гапни такрорлайди: “Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам эмасмиз”. Кўриниб турганидек, ушбу юқорида таъкидланган ҳолатлар Юртбошимизнинг нечоғлиқ ҳақ экандан далолат бериб турибди.

Автомобилсозлик кечагина биз учун эртақ эди. Буган у реал ҳаётимизнинг бир қисмига айланди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда автомобил саноати жадаллик билан ривожланмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар нафақат ўз эҳтиёжимизни, балки бир қанча хорижий мамлакатлар эҳтиёжини қондиришга қодир. Мустақиллик йилларида бутунлай янги бўлган соҳалар шаклланиб, ривож топмоқда ва булар муттасил ривожланмоқда. Булардан бири автомобилсозликдир.

Ҳозирги кунда дунёнинг еткчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган “GM Uzbekistan”, “СамАвто”, “JV MAN Avto – Uzbekistan” корхоналар енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқармоқда.

Андижон вилоятининг Асака шаҳрида фаолият кўрсатаётган турли русмдаги енгил автомобилларни ишлаб чиқараётган “ШЕВРОЛЕТ” русмали машиналарнинг чиқарилиши билан мамлакатимиз автомобилсозлик саноатига илк қадамни қўйди.

Самарқандда бунёд этилган ва бир қанча русмдаги автобуслар ва бошқа юк автомашиналарни чиқаришга мўлжалланган “СамАВМО” заводида ишлаб чиқарилаётган “ИСУЗИ” автомашиналарини ишлаб чиқишнинг йўлга қўйилиши мазкур соҳани ривожлантириш имкониятини янада кенгайтди.

Германиянинг дунёга машҳур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилиши эса, мамлакатимизни йирик автомобил саноатига эгаллигини таъминлади.

Бироқ, ҳозирги кунда автомобилларимизга бутловчи қисмларнинг бир қисми хориждан келтирилаётганлиги сир эмас. Бундан 20 йилдан кейин бизнинг фикримизча, автомобилларни ишлаб чиқариш учун соҳани маҳаллийлаштириш эвазига деталларнинг асосий қисми ўзимизда яратилади.

Бунга Тошкент шаҳрида “General Motors Powertrain Uzbekistan” корпорацияси мамлакатимизда двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ягона заводининг ишга туширилиши, бир қанча шаҳарларда автомобилларга бутловчи қисмларнинг ишлаб чиқарилаётганлиги кабилар ҳам мисол бўла олади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон келажакда дунёга пахта хомашёси, табиий ресурслар (нефть, газ, кўмир каби) етказиб берадиган давлатдан юқори технологияларга асосланган саноат маҳсулотлари, жумладан турли русмдаги

автомобилларни экспорт қиладиган демократик бозорга асосланган эркин иқтисодиёт қарор топган буюк индустриал давлатга айланади.

Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатишича яна 20 йилдан кейин электр ва иссиқлик энергияси ўрнига қуёш энергиясидан, шамол энергияси каби қайта тикланадиган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўлга қўйилади. Чунки кейинги йилларда унга бўлган эҳтиёж шунчалик ошиб кетдики, бу истеъмол ҳажми уни ишлаб чиқариш суръатидан ҳам ортишига олиб келди. Шунингдек, ҳозирги пайтда электр энергиясини ишлаб чиқариш жуда қимматли хомашё эвазига (нефт, табиий газ, кўмир каби) амалга оширилмоқда. Бундай вазият соҳага инновацион технологияларни кенгроқ жорий этиш билан бирга қимматли хомашёни тежашни ҳам тақозо қилмоқда. Чунки, бундай манбалар захираси чекланганлиги туфайли келажақда улардан фойдаланиш даражаси муттасил равишда қисқариб боради. Бунга 2013 йил 22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осиё қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида ҳам алоҳида тўхталиб, таъкидландики: “ҳисоб-китобларга қараганда, улар шундай суръатда ишлатилса, нефть захиралари 45-50 йилга, табиий газ 70-75 йилга, кўмир эса 150-160 йилга етар экан”²⁷. Унга аксинча электр энергиясига талаб муттасил ошиб боради. Бу бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу туфайли муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш зарурати туғилади.

Буни инобатга олиб, мамлакатимиз раҳбари 2013 йил 1 мартда “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига имзо чекди. Унга кўра қуёш ва биогаз энергияси ва бошқа

²⁷ Ўтбасаров И., Рахмонов С. Қуёш энергияси: улкан салоҳият ва истикбол. // “Халқ сўзи” газетаси. – 2013 йил 23 ноябрь. – 1-бет.

муқобил манбалардан фойдаланиш бўйича барча чораларни кўриш лозимлиги кўрсатилган. Бу албатта бир йиллик ёки ўн йиллик тадбир эмас, балки, бу узоқ йилларга мўлжалланган дастурий тадбирларимиздандир. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, келажакда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизда электр энергияси билан таъминланиш ўрнига қуёш энергияси ва бошқа муқобил энергия манбалари билан таъминланишга ўтилади.

Мазкур тадбирларнинг меъёрий асослари ҳам яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Электр энергияси тўғрисида” ва “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлари ҳам қабул қилинган ва улар амалиётга жорий этилган.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг анъанавий энергия манбаларига нисбатан бир қанча афзалликлари мавжуд. Буларга:

- ушбу манбаларнинг чекланмаганлиги;
- анъанавий энергияга нисбатан арзонлиги;
- хомашё манбаларига нисбатан тежамкорлиги;
- экологик жиҳатдан безарарлиги кабиларни киритиш

мумкин.

Кўриниб турибдики, келажак истиқболда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муқобил энергия манбалари асосий ўринни эгаллайди. Фикримизча, ҳар бир оила ана шундай энергия манбаларидан фойдаланади.

3.3. Барча соҳаларда тежамкорлик режими жорий қилиниб, қишлоқ хўжалиги тўлиқ интенсив технологияларга асосланган ҳолда ривожланади

Яна 20 йилдан кейин ҳаётимизнинг барча жабҳаларида каттиқ тежамкорлик режими жорий қилинади. Бунда вақт, сув ва энергия тежалиши таъминланиши лозим бўлади. Шу туфайли ҳаётимизга энергаия тежовчи технологиялар ва хизматлар жорий қилинади. Иқтисодиётнинг ривожланиши, ижтимоий ҳаётимизнинг яхшиланиши исрофгарчилик эвазига эмас, балки тежамкорлик эвазига амалга оширилади. Чунки ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) учун вақт керак бўлади. Зеро ишлаб чиқаришга ҳам, хизматларга ҳам эҳтиёж ошиб боради. Уларни кўпайтириш учун кўпроқ вақт керак бўлади. Аммо вақт кенгаймайди. Шу туфайли қисқа вақтда кўп нарса ишлаб чиқаришга тўғри келади. Бу эса ўз навбатида, вақтдан тежамкорлик билан, унинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Яна бир жиҳати одамларнинг бўш вақти кўпроқ бўлиш зарурати ҳам пайдо бўлади.

Келажакда сувни тежаш масаласи ҳам энг муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, аҳолининг кўпайиши сувга бўлган эҳтиёжни оширади. Аммо ичимлик суви масаласи кўпаймайди. Шу туфайли уни тежаш ҳам кун таркибидаги муҳим масалалар сирасига киради. Экинларни суғоришда ҳам сув тежавчи технологиялардан фойдаланилади. Бунда асосий ўринни томчилаб суғриш тизими ташкил қилади. Шулар билан бирга, ҳозирги шароитда дунё миқёсида, шу жумладан мамлакатимизда ҳам энергия тежавчи технологияларга ҳам катта аҳамият берилаётганлигини инобатга олиш лозим. Келажакда,

юқорида таъкидланганидек, қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан (қуёш, шамол, биоэнергия каби) фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигида давлат секторининг улуши минимал ҳолатга келади ва асосий куч фермер хўжаликлари бўлиб қолади. Қўл меҳнатининг асосий истеъмолчиси бўлган қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни асосан механизациялашган ва автоматлаштирилган бўлиб, қўл меҳнатининг улуши нисбатан жуда қисқариб боради.

Пахта етиштиришда вегетация даври қисқариб тезпишар, узун толали ва серҳосил, касалликларга чидамли навлари етиштирилади. Уларни териб олиш жараёни механизациялаштирилади. Ғалла етиштиришда ҳам серҳосил навлар яратилиб, суғориладиган ерларда асосан иккинчи ҳосил сифатида экилиб мўл ҳосил олинади. Боғдорчиликда ҳам туб ислохотлар амалга оширилиб, асосан интенсив боғларнинг улуши кўпаяди. Бунда меҳнат тўлиқ механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. Ҳосилдорлик ҳар гектар боғда 4-5 баробар ошади. Олма, узум ва бошқа меваларнинг сифати жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган товар кўринишига ва қуёшли ўлкада етиштириладиган табиий ширинликка эга бўлади. Ушбу йўналиш бўйича мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошади. Натижада кечагина хомашё етиштириб берадиган соҳа тайёр рақобатбардош маҳсулот етиштириш имкониятини ҳам яратади.

Гўшт етиштиришда ҳам туб ислохотлар амалга оширилади. Гўшт етиштиришда сергўшт зотли моллар олиб келиниб, жуда қисқа вақтда семирадиган технологиялар жорий қилинади. Паранда гўшти етиштиришда ҳам интенсив технологиялардан фойдаланилади. Келажакда паранда

гўштининг улуши барча гўшт маҳсулотлари таркибида ошиб боради. Хуллас гўшт ва сут йўналишида зотли молларни ўстириш каби мувоффақиятларга эришилади.

Қишлоқ хўжалигида янги техника ва технологияларни жорий қилиш эвазига, таъкидланганидек, қўл меҳнатининг улуши камайиб қишлоқда агроиндустрия шаклланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган саноат йўналишидаги кичик корхоналар сони кўпаяди.

Қишлоқ хўжалигида қайта тикланувчи қуёш, шамол ва бошқа муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўлга қўйилади. Қишлоқнинг электр энергияси билан узлуксиз таъминланиши саноатнинг ривожланиши учун тегишли шароит яратиш имконини беради. Суғориш тизимида ирригация ва мелеорация тармоқлари юқри технологияларни жорий қилиш эвазига анча такомиллашади. Мазкур тизм томчилатиб суғориладиган технологияларни жорий қилиш имконини туғдиради. Суғоришда тежамли усуллардан фойдаланиш эвазига суғориладиган экин майдонларини кўпайтириш ва кенгайтириш имконияти яратилади.

Пировардида аҳолининг яшаш даражаси сифат босқичига кўтарилади. Айниқса қишлоқ аҳолисининг барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар билан таъминланиш даражаси муттасил ошиб боради. Юқорида таъкидланганидек, аҳоли жон бошига 2032 йилда 7,0 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Бу 2012 йилга нисбатан 4,7 мартага кўп демакдир. Ҳар бир оилада маиший техникалар билан таъминланиш ошиб, яшаш учун қулай шароитларни яратади. Неъматларни истеъмол қилиш ҳажми ошиши баробарида, истеъмол харажатлари муттасил камайиб

боради. Бу эса инсонларнинг бўш вақтини кўпайтириб, яшаш сифатини ошириш имконини беради.

Умумий мулк таркибида интеллектуал мулкнинг ҳиссаси ошади. Шунинг эвазига ақлий меҳнатнинг улуши ошиб, мос равишда жисмоний меҳнатнинг улуши қисқариб боради. Чунки, инновацион иқтисодиёт иқтисодиётга фан ва техника ютуқларини жорий қилиш эвазига амалга оширилади. Бунда ақлий меҳнатнинг роли катта ва мос равишда умумий мулк таркибида интеллектуал мулкнинг улуши ошиб боради. Оддий ишчилар ҳам муҳандислик маълумотига ва тажрибасига эга бўлиб боради.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиётида яна 20 йилдан кейин барча соҳаларда юксак марралар қўлга киритилади. Давлатимиз иқтисодий сиёсатининг пировард мақсади бўлган аҳолининг яшаш даражаси муттасил ошиб боради ва сифат басқичига кўтарилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2015 йил 17 январ.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда деморактик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998.
6. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
7. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
9. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
10. Каримов И.А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор

таракқий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

11. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий таракқиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелдаги Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 апрель.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 май.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 12 майдаги Қарори. // Халқ сўзи, 2011 йил 13 май.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида”ги 2011 йил 7 февралдаги Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш

ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори.

19. Шодмонов Ш.Ш. Гафуров У.В. «Иқтисодиёт назарияси» Тошкент «Фан ва технология» 2005.

20. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.

21. Қувондиқов Ш.О, Тухтабаев Ж.Ш. Иқтисодий иборалар луғати бўйича услубий қўлланма. Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. – 96 бет.

22. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси).